



ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ПЕДАГОГИК МУҲИТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Сапарова Айзада Алауатдин қызы

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика
институтини таянч докторанти*

Аннотация. Мазкур мақолада техника олий таълим муассасаларида ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда педагогик муҳитнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар таҳлил этилган. Муаллиф методологик, ахборот-коммуникацион, психологик-педагогик, ахлоқий-маънавий ва дастурий-услубий талабларни ҳар томонлама асослаб, уларнинг талабалар билиш фаолиятига таъсирини очиб беради. Муҳитни самарали ташкил этиш орқали талабаларнинг мустақил таълимга бўлган қизиқиши ва касбий салоҳиятини юксалтириш имкониятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: педагогик муҳит, ўқув-билув фаолияти, таълим муҳити талаблари, когнитив ривожланиш.

Кириш. Бугунги рақобат кучайиб бораётган, рақамли технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнлари тез суръатда ривожланаётган жамиятда техника олий таълим муассасалари олдида янги вазифалар турибди. Таълимнинг мазмунини қайта кўриб чиқиш, уни амалиётга йўналтириш, шахснинг интеллектуал ва касбий салоҳиятини ривожлантириш билан бирга, педагогик муҳитни такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Педагогик муҳит ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда, талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришда, билимга нисбатан ижобий муносабатни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Мазкур мақолада ушбу муҳитга қўйиладиган методологик, ахборот-коммуникацион, психологик-педагогик, ахлоқий-маънавий ва дастурий-услубий талаблар таҳлил қилинади.

Педагогик муҳитга қўйиладиган талаблар қуйдагича:

Методологик талаблар. Муҳитдаги барча фаолият ва ресурслар муайян методологик асосга эга бўлиши керак. Илмийлик, мақсадлилиқ, тизимлилиқ ва компетенциявий ёндашувлар таълим жараёнида устувор ҳисобланади. Бунда ҳар бир таълим модуллари натижага йўналтирилган бўлиб, талабанинг билиш қобилиятини аниқ мезонлар асосида шакллантиришни назарда тутати.

Ахборот-коммуникацион ва технологик талаблар. Замонавий таълим муҳити рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Moodle, Ziyonet, Google





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Classroom, Zoom каби платформалар таълимнинг кўп форматда амалга ошишини таъминлайди [1].

Психологик-педагогик талаблар. Таълим муҳити шахсга йўналтирилган бўлиши керак. Педагогик жараёнда ҳар бир талабанинг индивидуал имкониятлари, билим даражаси ва билиш эҳтиёжлари инобатга олинishi шарт. Талабалар ўртасида ижтимоий-психологик хавфсизлик, яъни жамоавий рух, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат муҳити устувор аҳамият касб этади.

Ахлоқий-маънавий талаблар. Таълим жараёнида фақат билим эмас, балки инсонпарварлик, фуқаролик позицияси, меҳнатсеварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам шакллантирилиши лозим. Муҳитда академик ҳалоллик, одоб-ахлоқ қоидалари устувор бўлиши талаб этилади.

Дастурий-услубий талаблар. Фан дастурлари, методик қўлланмалар ва дарсликлар талабаларни мустақил таълимга ундайдиган, фикрлаш стратегиясини шакллантирадиган мазмунда бўлиши керак. Таълим натижаларини баҳолаш тизими ҳам мустақил ўрганиш ва рефлексия имкониятларини таъминлаши лозим.

Илмий назария ва амалиёт уйғунлиги. Таълим муҳитини ташкил этишда назарий қарашлар билан бирга амалиётда қўлланилаётган ечимлар уйғунлиги муҳим ҳисобланади. Масалан, Жиззах политехника институтида STEM ёндошуви асосида ўқув муҳитини қайта ташкил этиш тажрибаси талабаларнинг амалий фаоллигини 30% га оширган. Шунингдек, Нукус кончилик институтида Moodle платформаси орқали амалга оширилаётган курсларда талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмалари сезиларли даражада ривожланган. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. таъкидлашича, замонавий педагогик муҳит ўқув-тарбиявий жараённинг технологик, ахлоқий ва илмий элементларини уйғунлаштиришга асосланиши лозим[2].

Хулоса. Техник олий таълим муассасаларидаги ўқув муҳитига қўйиладиган талаблар талабаларнинг билиш фаолияти, муваффақиятли таълим олиши ва рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Мақолада таҳлил этилган методологик, технологик, психологик ва ахлоқий талаблар амалиётда ўз исботини топган бўлиб, уларни тўлиқ ва уйғун тарзда таъминлаш педагогик муҳитни самарали шакллантиришга хизмат қилади. Бундай муҳитни яратиш орқали нафақат таълим сифати ошади, балки талабаларнинг мустақил таълимга бўлган қизиқиши, ижодий фикрлаши ва касбий салоҳияти ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нукус филиали маълумотлари асосида ички мониторинг ҳисоботи, 2023.
2. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: 2022.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

3. Saparova A.A. The use of modern information technologies in the process of studying the theory of limits. ACADEMICIA, 2022.

4. Saparova A.A. Talabalarining o'quv-biluv faoliyati: muammolar va bartaraf etish yo'llari. International Journal of scientific and Applied Research, 2024

5. Saparova A.A. texnika oliy ta'lim muassasalari talabalariga matematikani o'qitishning xususiyatlari. Zamanag'oy talim mas'elelari ham keleshekleri: joqari bilimlendiriw ham mektep ameliyatı» atamasında Respublika kóleminde ilimiy-teoriyalıq ham ameliy anjumani, 2023.

